



КЕЧА КИМ ЭДИГУ
БУГУН КИМ БЎЛДИК?

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

демократик жараёнларнинг
чўқурлашувида долзарб
аҳамият касб этмоқда

Сайлов — демократик давлатдаги энг муҳим сиёсий жараёнлардан бири ҳисобланади. Ўтказилаётган ҳар бир сайлов жамият ҳаётининг эртасини белгилаб беришда бекиёс ўрин тутати. Чунки эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфияти яққол намоён бўлади.

Ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг сиёсий онги ва тафаккурида, дунёқарашида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Демократик қадриятларга содиқ, уларни ривожлантириш ва мустақамлаш гоёси билан яшаётган янги авлод шаклланимўқда. Қолаверса, миллий сайлов қонунчилигимиз истиклол даврида ўзига хос демократия мактаби вазифасини бажариб, мураккаб йўлни босиб ўтди. Давр синонларида, янгидан-янги ижтимоий-сиёсий воқеаликлар таъсирида тобланиб, пировард натижада бугунга келиб демократик талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган даражага етди.

Миллий сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг яратилиши, ривожланиши ва сайлов амалиётининг асосий босқичлари ҳақида сўз юритганда, шунинг айтиш керакки, 1991-2000 йиллар оралиғи демократик сайлов тизимининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилиши даври бўлди.

Давоми 3-бетда.

ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ижтимоий ҳимоя — маънавий қувват

Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган уч босқичли акция тадбирларида партиянинг тарғибот гуруҳи аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия бошланғич ташкилотлари раислари, оммавий-ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Президентимизнинг шу йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилаётган ушбу тадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.


Денов туманида ўтказилган акцияда бу алоҳида таъкидланиб, аҳолининг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт каби соҳаларда эришилаётган ютуқлар ҳусусида фикр алмашилди.

Акция доирасида мустақиллик йилларида юртимизда рўй бераётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар кенг тарғиб қилинмоқда, ҳамкор ташкилотлар билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олинаётди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов тумани кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Бугун ҳам маҳаллалардаги шундай хонадонларда бўлиб, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлади. Худудларни ободонлаштириш ишларида иштирок этдик.

Вилоятда ўтказилаётган акция доирасида ташкилот ва корхоналар, таълим муассасаларида «Ўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шiori остида учрашув ва бошқа маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



Сайлов ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ харидорлар билан гавжум

Янги ўқув йили, мактаб нафаси кезиб юрган шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида мактаб ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Бугун бу манзилларда боласини етаклаб олган ота-оналарни, набирасини эргаштирган бобо-бувиларни учратасиз.

Пойтахтимиздаги «Китоб олами» савдо мажмуаси илмга чанқоқ ўқувчилар, фарзанди тақдирига бефарқ бўлмаган инсонлар билан гавжум масканлардан бири. Бу ердан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, миллий маънавиятимиз ва таълим стандартларимизга мос келадиган, арзон ҳамда сифатли ўқув қуролларини харид қилиш мумкин.

— Мен китоб дўконига устозим Насиба Саъдуллаева билан келдим, — дейди Тошкент шаҳридаги 123-умумтаълим

мактабининг 4-синф ўқувчиси Зебобону Убайдуллаева. — Бу ерда ташкил этилган мактаб ярмаркасидан ўзимга керакли барча ўқув қуролларини сотиб олдим, бундан жуда ҳам хурсандман.

Мустақиллик кўчасида жойлашган ушбу «Китоб олами» мажмуасининг вилоятларда фаолият юритаётган дўконларида ҳам мактаб бозорлари ташкил қилинган бўлиб, улар сифатли миллий маҳсулотлар билан тўлдирилган.

Ўз мухбиримиз.

СЎЗ — ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ
АЪЗОЛАРИГА!

Замонавий корпоратив бошқарув

акциядорлик жамиятлари ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда турли мулкчиликка асосланган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар ичида акциядорлик жамияти шаклидаги субъектларнинг ўзига хос ўрни бор. Кейинги йилларда бундай корхоналарни замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қабул қилинган бир қатор қарорлар ижроси бўйича қизғин иш олиб боришмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иқтисодиёт тараққиётининг бугунги босқичида муҳим ҳужжат бўлди.

2

Давоми 2-бетда.



ЎЗХДП: ФАКТ ВА
РАҚАМЛАР

ФАЛЛАОРОЛ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ Тўғрисидаги МАСАЛАНИ ДОИМИЙ КОМИССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ.

ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН УЙЧИ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА «ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ Тўғрисида»ги ҚОНУН ИЖРОСИ Кўриб чиқилди.

УЧҚўРФОН ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КўЧМА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА КРЕДИТ ОЛИШ, КОММУНАЛ СОҲА БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРДА 10 ДАН Ортиқ МУРОЖААТ ТУШДИ.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

ИБРАТЛИ МАҲАЛЛАЛАР САРАЛАНДИ

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи Бухоро шаҳридаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида хабар берилди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Муҳиддин Эсанов иштирокчиларни қутлади. Шундан сўнг танловнинг асосий босқичи бошланди. Унда танловнинг шаҳар, туман босқичларида сараланган 13 иштирокчи уч шарт бўйича баҳс олиб борди.

Танлов якунида Гиждувон туманидаги «Хатча» маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб деб топилди ҳамда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Пешку тумани «Янгибозор» шаҳарча фуқаролар йиғини ҳамда Шофиркон тумани «Мирзокул» маҳалласи эса тегишли равишда 2- ва 3-даражали дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ЯНГИ ГУЗАР БАРПО ЭТИЛДИ

Чилонзор туманидаги «3-Чарх-Камолон» маҳалласида янги гузар қурилди. Бу ҳақда шаҳар ҳокимлигининг расмий сайти хабар бермоқда.

Маҳалламизда бугунги кунда 4472 минг аҳоли истиқомат қилади, — дейди диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Шоҳида Зуфарова. — Бу иншоот маҳалла аҳли ва ҳомийлар кўмағида барпо этилди. Гузар қад ростлашда маҳалламиз ҳар бир аъзосининг ўзига хос ўрни ва кўмағи бор. Ҳамжихатлик, ҳамкорлик бор жойда кут-барақа, файз ва тароват бўлади. Келажақ авлод ҳам бу гузарни биродарлик, бирлик, меҳроқибат натижасида бунёд этилган муқаддас гўша, деб билишини истаймиз.

«КАМОЛОТ» УЙЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Шаҳрихон туманининг «Бувайда» маҳалла фуқаролар йиғинида 32 оилага мўлжалланган «Камолот» ёшлар уйи фойдаланишга топширилди. Янги хонадон соҳибларини қутлаш маросимида туман фаоллари, меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Вилоят ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов янги уйлар эгаларини табриклади, бунёдкорларга миннатдорлик билдирди. Шунингдек, мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бахтли ва фаровон яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигини алоҳида таъкидлади.

Андижон вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида берилган ахборотга кўра, «Azia star premium» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган «Камолот» уйи ҳар жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашган. Яшаш учун тула-тўқис шароитлар мужассам. Унинг атрофида бошлар майдончаси, «Азизим», «Саёҳат», «Шукрона» тўйхоналари қад ростлаган.

Шунингдек, Пахтаобод тумани Қашқар маҳалласида ҳар бири 16 хонадондан иборат иккита «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди.

Икки қаватли уйлар «Андижонда обод кўркам қурилиш» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан барпо этилди.

Бухоро

Тошкент шаҳри

Андижон

СЎЗ — ЎЗХДП
ФРАКЦИЯСИ
АЪЗОЛАРИГА!

Замонавий корпоратив бошқарув

акциядорлик жамиятлари ривожига хизмат қилади

Қарорда акциядорлик жамиятларига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, бундай субъектларда корпоратив бошқарувни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни ташқи бозорларга экспорт қилиш масалалари кўзда тутилган.

Акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайитиш чораларини кўриш белгиланган.

Бундан ташқари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш вазифаси ҳам юклатилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шу муносабат билан тайёрланган. Ундан кўзланган мақсад Президент қарори ижросини таъминлаш ва қонунчилик нормаларини бири-бирига мувофиқлаштиришдан иборат. Айтиш кераки, бу жараёнда қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш икки йўналишда амалга оширилмоқда.

Маълумки, қарорда янги акциядорлик жамиятлари фақат хорижий инвесторнинг устав капиталдаги

улуши 15 фоиздан кам бўлмаган тақдирдагина ташкил қилиниши мумкинлиги белгиланган. Шу боис биринчи йўналишга асосан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун жамият устав фондидаги (устав капиталдаги) улуши камида 15 фоизни ташкил этиши лозим бўлган чет эллик инвесторлар иштирокида ташкил этилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно, деган норма билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, қарорда хорижий инвестицияси мавжуд акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда даъво аризаси билан судга мурожаат этганда давлат божини тўлашдан озод қилиниши, кейинчалик давлат божини суднинг тегишли қарори билан айбдор деб топилган томондан ундириб олиниши белгиланган. Шу боис Солиқ кодексига умумий юрисдикция судларида ҳамда ҳўжалик судларида акциядорлик жамиятлари уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъволар бўйича давлат божини тўлашдан

■ Акциядорлик жамиятлари фаолияти ривожланиши оддий ишчи-ходимларнинг даромади кўпайишига, ҳар томонлама қулай меҳнат шароити яратилишига, ижтимоий ҳимоя самарадорлиги ошишига хизмат қилади.



Ў.А. Султонов

озод қилинишини белгилловчи норма қўшилмоқда.

2015 йилда қабул қилинган «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 27-моддасига мувофиқ,

қўғозлар бозорининг алоҳида иштирокчиси сифатида талқин қилинишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, қимматли қўғозлар бозорида депозитар операциялар билан бир қаторда қимматли қўғозлар-

қонуннинг акциядорларнинг ҳуқуқлари, акцияларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши, жамият акциядорларининг реестри, депо ҳисобварағидан кўчирма, қимматли қўғозларнинг номинал сақловчилари

■ Ушбу ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида дунёнинг ривожланган давлатларидаги каби корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш учун ҳуқуқий асос яратади. Бу эса йирик ишлаб чиқариш корхоналарини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уларда сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

депозитар операциялар инвестиция воситачиси ва Қимматли қўғозлар марказий депозитарийи томонидан амалга оширилади. Айни пайтда баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда «депозитарий» тушунчасининг қўлланилиши, унинг фақатгина депозитарий хизматларини кўрсатувчи қимматли

га доир бошқа битим ва операцияларни амалга оширувчи инвестицион воситачилар — брокерлик, дилерлик ва бошқа хизматлар ҳисобдан четда қолмоқда. Шулар инобатга олиниб, қонун лойиҳасининг иккинчи йўналишида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

ҳақидаги моддаларида аниқлаштирувчи тузатишлар ўз ифодасини топмоқда. Яъни, депозитарий тушунчаси Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари деган тушунчалар билан алмаштирилмоқда.

Қонунчилик меъёрлари турлича талқин қилинишининг олдини олиш мақсадида

худди шундай ўзгаришларни «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритиш таклиф этилмоқда. Бу ўз навбатида, қонунлар нормалари бир хиллигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида дунёнинг ривожланган давлатларидаги каби корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш учун ҳуқуқий асос яратади. Бу эса йирик ишлаб чиқариш корхоналарини янада модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уларда сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Шу ўринда бир тасаввур қилиб кўрайлик. Битта корхона, акциядорлик жамиятининг ишлари яхши юришмаса, замон талаблари даражасида фаолият кўрсатмаса, бундан қанча одам, қанча оила зиён кўради? Иш ўринлари қисқаради, меҳнат ҳуқуқлари таъминланмай қолади, корхона-ташкilotнинг маҳсулоти ёки хизмати сифати пасайиб кетади. Буларнинг ортидан кейинчалик бошқа муаммолар ҳам келиб чиқаверади.

Ақсинча, акциядорлик жамиятлари фаолияти ривожланиши оддий ишчи-ходимларнинг даромади кўпайишига, ҳар томонлама қулай меҳнат шароити яратилишига, ижтимоий ҳимоя самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

Андижон шаҳар кенгаши томонидан ушбу лойиҳа доирасида эрта никоҳнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

«Тарғиботчи — маҳаллада»

Унда сўзга чиққанлар қуриллажак оиланинг мустаҳкам бўлишида ёшларнинг жисмонан соғломлиги, маънан етуклиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундай никоҳ кўп ҳолларда фарзандсизлик, боланинг ой кунини етмай туғилишига сабаб бўлаётгани қайд этилди. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи ва соғлом оила тамойилларини тарғиб этиш, бу масалада жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозим.

Давра суҳбатида мавзу юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз»

Тошкент вилояти партия ташкилотлари томонидан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш мақсадида қатор тadbирлар ўтказилмоқда.

Шундай тadbирларнинг навбатдагиси Зангиота туманида бўлиб ўтди. Ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Партия сафидаги ёшлар маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини амалга оширди.

Бундай тadbирлар республикамизнинг барча туманларида ташкил этилмоқда.

Мустақиллик — бахтимиз кафолати

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида «Мустақиллик — юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир» мавзусида мулоқот уюштирилди.

ЎЗХДП туман кенгаши томонидан ташкил этилган тadbирда депутатлар, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Мустақиллик — ҳар қандай халқнинг тарихидаги энг катта шонли воқеа. Юрт равнақи, халқ фаровонлиги ана шу улғў неъмат шарофатидандир.

Жонли ва ҳаётини мисоллар, аниқ далилларга асосланиб, халқимизга, айниқса, ёшларга истиқдолнинг қадрини янада чуқур тушунириш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Аброр ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

■ СИЗДА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БОР?

ДЕПУТАТ СЎРОВИ жавобсиз қолмаслиги керак

Бугунги кунда маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари депутатлик назорати институтидан қандай фойдаланяпти? Электорат вакиллари, сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни самарали ўрганиш ва ҳал қилиш учун нима қилмоқ керак? Навоий вилоятидаги депутатларимизга ана шу саволлар билан мурожаат қилдик.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Мухаббат ТЕМИРОВА,
халқ депутатлари
Навоий вилоят
Кенгашидаги ЎЗХДП
гуруҳи аъзоси:

— Биз депутатлик ваколатларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилияпти. Масалан, маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 10 масала ўрганиб чиқилди. Уларнинг 3 таси доимий комиссияларда, 3 таси сессияларда муҳокама этилди.

Депутатлик назорати тартибида ўрганиладиган ҳар бир масала учун албатта ишчи гуруҳи тузилади. Дастлаб унинг режаси ишлаб чиқилади. Назоратни шу асосда олиб борамиз. Айрим ҳолларда масалани фақат партия гуруҳида муҳокама этамиз. Муаммо ҳал бўлмаса, кейин уни доимий комиссия ва сессияларга киритамиз.

Ўрни келганда айтиш кераки, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга ошираётган депутатлар ҳам, депутатлик сўровларига ўз вақтида муносабат билдираётган раҳбарлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Лекин, афсуски, депутатлик сўровига бефарқ қараётган муносабатли ташкилотлар раҳбарлари ҳам йўқ эмас. Шундай ҳоллар бўладиги, сўровга қонунда белгиланган муддат — 10 кундан ошиб кетса ҳам жавоб берилмай-

Айрим пайтлар мансабдор шахслар томонидан депутат сўровидаги масала тўлиқ ўрганиб чиқилмасдан, депутатга шунчаки расмийлик учун юзаки жавоб хати юбориш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Айрим пайтлар мансабдор шахслар томонидан депутат сўровидаги масала тўлиқ ўрганиб чиқилмасдан, депутатга шунчаки расмийлик учун юзаки жавоб хати юбориш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Биз мутасаддилардан сўровларга вақтида жавоб қайтарилишини, амалий чоралар қўрилишини қатъият билан талаб қилишимиз керак, деб ўйлайман.



Нормурод ИСОҚОВ,
халқ депутатлари
Навоий вилоят
Кенгашидаги
ЎЗХДП
гуруҳи аъзоси:

— Депутатлик ваколатларидан самарали фойдаланиш учун, аввало, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлишимиз, одамларнинг кайфияти ва фикрини ўрганиб боришимиз керак. Бу, албатта, ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади.

Айтайлик, бирор масалани доимий комиссия ёки сессия кун тартибига киритишни мўлжалладик. Бунинг учун биринчи навбатда уни чуқур таҳлил этишга, келиб чиқиш сабабларини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шундан сўнг масалага бевосита алоқадор ва масъул ташкилотларга сўров юборилади. Назорат таҳлил натижалари, сўровга юборилган жавоблар умумлаштирилиб, партия гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилади.

Ушбу рукн остида навбатдаги фикр-мулоҳазалар берилляпти. Ҳурматли газетхонлар ва партиядошлар, яна қайси масалалар бўйича мунозара юритилишини истайсиз? Таклифларингизни кутамиз.

Масалани муҳокама қилиш пайтида ҳар бир депутатга сўз берилади, таклифлар айтилади, ўрганилаётган масала сайлов округлари мисолида таҳлил этилади. Атрофлича фикр-мулоҳазалардан сўнггина қарор қабул қилинади.

Партия гуруҳимиз сессияга масала тайёрлаш жараёнида бир вазиятга дуч келиб туради. Биз қайси соҳани ўрганмоқчи бўлсак, шунга алоқадор ташкилотлар учун сўровнома ишлаб чиқамиз. Лекин айрим мутасадди раҳбарлар уларга тўлиқ ва етарлича жавоб беришмайди. Бу эса кўриб чиқилаётган масала бўйича тўлиқ маълумот олишга, вазиятни чуқурроқ ва ҳолис таҳлил қилишга ҳалақит беради. Депутатлар ва давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари кўлни кўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб ишласа, кўплаб муаммолар бар-тараф этилади.

Яна бир гап. Депутатлик назорати орқали қабул қилинаётган қонунларнинг фуқароларимиз ҳаёт тарзига нечоғлик ижобий таъсир этаётгани билан бирга, яна қандай ҳуқуқий масалаларга талаб борлигини ҳам доимий равишда ўрганиб боришимиз керак. Сессияда ёки доимий комиссия йиғилишида муҳокама этилаётган масала бўйича таклиф киритиш билан вазифамни адо этдим, деган қараш мутлақо нотўғри, деб ўйлайман.

Сайловчиларнинг, халқимизнинг талабига муносиб жавоб бериш учун кўпроқ сайловчилар орасига кириб боришимиз, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлишимиз зарур.

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Лазиза ШЕРОВА
ёзиб олди.

ОЛИМПИАДА — 2016

■ Рио-де-Жанейро (Бразилия)да XXXI ёзги
Олимпия ўйинлари қизгин давом этмоқда.

Боксчиларимизнинг зафарли одими

Шу кунларда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да XXXI ёзги Олимпия ўйинлари қизгин давом этмоқда.



Анвар ИЛЕСОВ («Жан») 441 олган сурат.

Мусобақа дастуридан жой олган бокс бахсларида ҳамюртларимиз муносиб иштирок этишмоқда. Жумладан, Хасанбой Дўсмаев (49 кг) мексикалик Жозелито Валасуэзани енгиб, кейинги босқичга йўлланма олди. Кеча у ярим финал йўлланмаси учун қозғиштонлик Биржан Жакиповга қарши рингга кўтарилди.

Яна бир вақилимиз Рустам Тўлаганов (91 кг) эса эквадорлик Жулио Сезар Кастиллонни мағлубиятга учратди. Ҳамюртимиз чорак финалда озарбайжонлик Абдуқодир Абдуллаевни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди ва бронза медалини нақд қилиб қўйди.

Иқтидорли боксчимиз Фазлидин Гойибназаров (64 кг) 1/16 финалда конголик Дивал Жаламоу Малонгога қарши рингга кўтарилди.

Хуршид Тожибоев эса (60 кг) мухлисларни қувонтиришда давом этмоқда. У дастлабки бос-

қичда қатарлик боксчидан устун келганлигини хабар қилгандик. Хуршид иккинчи жангини Буюк британиялик Жозеф Кординага қарши ўтказиб, муваффақият қозонди ва чорак финалга

йўлланмани қўлга киритди. Дўдбо боксчиларимиз дастлабки икки кунда Дийрбек Ўрозбоев (60 кг) ҳамда Ришод Собиров (66 кг)лар Рио-де-Жанейро олимпиадаси бронза медалига сазовор

бўлишганидан хабарингиз бор. Афсуски, мусобақанинг навбатдаги учрашувларида дзюдочиларимиз Мирали Шарипов (73 кг) ва Шаҳзодбек Собиров (81 кг)лардан омад юз ўтирди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДАВРА СУҲБАТИ

Пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида фан ва таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг республика анжумани доирасида «Ўзбекистон хотин-қизларининг илм-фан тараққиётида тугган ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган ва иқтидорли қизларнинг кашф этилишига имконият яратган Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлган қизларнинг сони бугунги кунда 240 нафарга етди. Уларнинг 24 нафари фан, 42 нафари таълим йўналишларидаги

Билимдон, зукко қизлар

барчага ўрнатилган бўлмоқда

ютуқлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлган. Совриндорлар орасида уч нафар фан номзоди, ўндан ортиқ Президент, Алишер Навоий, Ибн Сино стипендиялари соҳиблари, беш нафар халқаро фан олимпиадалари ғолиблари бор.

Давра суҳбатда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Баситханова совриндор қиз-

ларнинг олиб бораётган илмий-ижодий ишлари ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон хотин-қизлари «Олима» уюшмаси раиси, тарих фанлари доктори, профессор Раҳбар Муртазаева илмий даражага эришиш ва изланиш олиб бориш борасидаги тартиб ҳамда мезонлар юзасидан ўз фикрини билдирди. Ҳозирги пайтда устоз-шогирд аъёнлари бардавомлигини таъминлаш мақсадига уюшма қошида ташкил этилган «Еш

олимпия академияси»да Зулфия мукофоти совриндорларининг 20 нафари илмий изланиш олиб бораётгани таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, олимпиадаларнинг долзарб масалаларга бағишланган мақолалари тўплам тарзида чоп этиш учун тайёрланмоқда.

Давра суҳбатда таълим ва фан йўналишида илмий изланишлар олиб бораётган бир гуруҳ Зулфияном қизлари томонидан тақдимот ўтказилди ва улар Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаккурномаси билан тақдирланди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА



XALQ BANKI

Амалий ҳаракатлар мижозлар эътирофига муносиб

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда молия муассасаларининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Халқ банки томонидан барча қорвачилик ҳўжаликлари жойлардаги Молия бўлими билан биргаликда ўрғанилиб, хатловдан ўтказилди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари ва «Насл-хизмат» уюшмаси қорхоналари билан биргаликда ҳар бир қорвачилик ҳўжалигининг паспорт шакллантирилди.

Мавжуд ва янги лойиҳалар асосида ташкил этилган жами 6 минг 500 қорвачилик ҳўжалигидан 5 минг 116 тасига Халқ банки филиалларида ҳисоб рақамлари очилди.

440 наслчилик тоифасидаги фермер ҳўжалиги ҳам хатловдан ўтказилиб, 311 тасининг ҳисоб рақамлари ушбу молия муассасаси филиалларига олиб ўтилди.

Сўнгги йилларда қорамол етиштириш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган юрдошларимиз орасида хотин-қизларнинг сони тобора ортиб бораётган. Банкнинг Норин филиали мижози Гулчехра Маҳмад-жоновна ҳам улар сирасига кирди.

— Халқ банкдан 6 ой имтиёз билан, 3 йил муддатга 300 миллион сўм миқдорда кредит олиш эвазига 50 бош қорамол сотиб олдим, — дейди тадбиркор аёл. — Бугунга келиб, сутни қайта ишлаш қорхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, даромад олишга эришдим. Келажақда аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ниятидаман.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2016 йилда четдан насли қорамоллар олиб ке-

лиш бўйича «Насл-хизмат» уюшмаси таркибига кирувчи 18 ҳудудий наслчилик қорхоналари ҳисоб рақамлари Халқ банкнинг филиалларига тўлиқ олиб ўтилди, улар томонидан тўзилган барча импорт шартномалари рўйхатга олиниши таъминланди.

Чунончи, банк томонидан Германия, Эстония, Польша, Украина, Австрия, Венгрия давлатларидан 18 минг 373 бош насли қорамол олиб келиш бўйича 140,7 миллион сўм миқдорда импорт шартномалари имзоланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 январдаги 11-сонли йиғилиш баёнига асосан, жорий йилда республикаимизга 10 минг бош насли қорамол олиб келиш режалаштирилган эди. Январ-июль ойларида 3 минг 994 бош насли қорамол олиб келинди. Хусусан, Андижон вилоятидаги «Нурилло» фермер ҳўжалигига Германиядан 200 бош насли қорамол олиб келиш учун 2,0 миллиард сўм миқдорда кредит берилди. Қашқадарё вилоятидаги «Шо-мурот ота» фермер ҳўжалиги 500 миллион сўмга Украинадан 70 бош қорамол, «Сара қорва барака» МЧЖга 300 миллион сўмга Эстониядан 30 бош қорамол олиб келиш учун маблағлар ажратилди.

Хоразм вилоятидаги «Қаландар Сапаев» фермер ҳўжалигига эса Украинадан 40 бош қорамол олиб келиш учун банк томонидан 450 миллион сўм пул маблағи берилди.

Дарҳақиқат, Халқ банки юрдошларимизнинг яқин кўмакчиси, ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Унинг мижозлари орасида мамла-

катимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи юрдошларимиз ҳам бор.

«Мангит Чорва Сервис» МЧЖ раҳбари Музаффар Мадаминов банкнинг Амур-дарё филиали мижозидир. У ҳам бугун банк кредитлари ҳисобига фаолиятини йўлга қўйиб, оила аъзолари билан бир қаторда 4 нафар йигит-қизни иш билан таъминлашга эришди.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк филиаллари томонидан 1538 лойиҳага жами 162,4 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шундан, четдан насли қорамол олиб келиш учун 219 лойиҳага 37,9 миллиард сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Қувонарлиси шундаки, амалга оширилган лойиҳалар ҳисобидан 3649 янги иш ўрни яратилди.

Қолаверса, Халқ банки томонидан эчкичилик ва терини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳам муайян лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Франция, Германия, Россия ва Чехиядан жами 7 530 бош эчки сотиб олиш учун қиймати 12 миллиард 954 миллион сўм бўлган 9 та импорт шартномаси тўзилди. «Ўзгросуғурта» ДАСК бўлими билан биргаликда ҳудудлардаги тегишли ҳўжаликлarning алоҳида паспорти ишлаб чиқилди.

Жорий йил охиригача қорамол ва эчкичиликни ривожлантириш мақсадида банк филиаллари томонидан жами 21,7 миллиард сўм миқдордаги 134 лойиҳа ҳўжаликлари кўриб чиқиш режалаштирилган.

Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

■ РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

«ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ»

ёшлар фестивали
бўлиб ўтади

Жорий йилнинг 10-12 август кунлари Тошкент шаҳрида анъанавий «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали бўлиб ўтади. Анжуманда жаҳон, Осиё, Ўзбекистон чемпиони, Давлат мукофотлари совриндорлари, турли танловлар ғолиблари, ижтимоий фаол ёшлар иштирок этади.

Фестиваль дастурига кўра, Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат, Ўзбек Миллий академик драма театрига ташир, «Ёшлар сиёсати — ёшлар нигоҳида» мавзусидаги илмий-амалий конференция, «Кино ва ёшлар» мавзусида очик мулоқот ва «Ой-қиз эртаги» фильми намойиши, Тошкент шаҳридаги Инҳа ва Турин политехника университетларида учрашувлар, «Ватанимга дил изҳори!» номли «25» акциясига бағишланган кўргазманинг тантанали очилиши каби тадбирлар ўтказилади.

«Камолот» ЁИХ матбуот хизмати берган хабарга кўра, фестиваль «Туркистон» санъат саройида катта концерт дастури билан якунланади.

«ҚИЗИЛ КИТОБ»

электрон шаклда
юритилади

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қарори билан «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Norma.uz сайтида ёзилишича, ҳўжжат йўқолиб бораётган ҳайвонлар ва ўсимликларга оид маълумотларни «Қизил китоб»га киритиш ва ундан чиқариш тартибини ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Белгиланишича, «Қизил китоб» Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан электрон шаклда юритилади. Унинг электрон шакли қўмитанинг расмий сайтига (www.uznature.uz) жойлаштирилади. Шу билан бирга, китоб камда 10 йилда бир марта илмий-оммабоп нашр сифатида чоп этилади.

ОЛТИАРИҚ- ЛИК БОҒБОН

бир түп дарахтдан
25 хил олма олиш
усулини яратди

Фарғоналик уста миришкор Абдуваҳоб Мирзажонов бир түп дарахтдан 25 хил олма етиштирмоқда. Олма-ларнинг туси, шакли-шамойли бир-бирига ўхшамайди. Бу ҳақда Фарғона вилоят ҳўкимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

У айна пайтда бир дарахтда олхўрининг 3 хил, ўрикнинг 2 хил намини етиштирмоқда, хандон писта қўчатларини маҳаллий шароитда қўпайтирапти, субтропик мева тури — киви ҳам ўстирмоқда.

■ 2016 йил —
СОҒЛОМ ОНА
ВА БОЛА ЙИЛИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ана шундай соғломлаштириш тадбирларидан бири Андижон вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида ўтказилди.

Жанубий корейлик шифокорлар Андижонда

Бу ерда Жанубий Корейнинг Ewha Womans University госпитали малакали шифокорлари Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан келган беморлар учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказишди. Дори-дармон, санитария-гигиена воситалари тарқатилди. Тажриба алмашишди.

— Андижонга биринчи келишим, — дейди профессор Парк Михёё. — Мени мафтун этди. Одамларнинг меҳмондўстлиги диққатга сазовор. Оналар ва болалар соғлиги йўлида ибратли ишлар қилинаётганидан қувондик.

— Ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Андижон вилоят ҳудудий филиали директори Турсунбой Бердирахматов. — Бу эса ўзининг икбобий натижаларини бермоқда. Бир ҳафталик сафар давомида профессор Ким Хансо бошчилигидаги хорижий шифокорлар болалар хасталиклари бўйича ўнга яқин жарроҳлик амалиётларини бажаришди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:25
Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



ISSN 2010-7633
1 2 3 4 6